

## ДАРС ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

АДУ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқт. З.Хусанова

Ҳозирги даврда замонавий таълимнинг асосий вазифалардан бири атроф-олам воқеа-ҳодисаларини билиш орқали мустақил таҳлил қила оладиган шахсни камол топтиришда намоён бўлади. Бу мақсадга, албатта, талабаларнинг билиш фаоллигини ошириб бориш орқали эришиш мумкин. Чунки инсон ҳамиша ўзини қуршаб турган олам ҳақида тобора кўпроқ билишга интилиб келган.

Давлатнинг ривожланиши унинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Интеллектуал салоҳият халқаро андозалардаги замонавий тараққиётни таъминлай оладиган мустақил фикрли, малакали, билимли, юксак инсоний фазилатларга эга кадрларнинг мажмуидир. Давлатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларданоқ интеллектуал салоҳияти юқори кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини юритиб келмоқда. Бу йўлда амалга оширилган асосий вазифалардан бири мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришга асос бўладиган янги таълим тизимининг ташкил этилишидир. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” уни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.[1]

Ўқув жараёнига инновацион педагогик технологияларини жорий қилиниши таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларни ўқитиш жараёнида тренинглар, очик мунозаралар, якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлашни ташкил қилган ҳолда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳамда педагогик жараёнга янгича ёндашувни талаб қилади.

Ўқитувчиларда кенг миқёсда фикрлаш, кенг доирада лаёқатлилик, юксак малака ва маҳоратни шакллантириш, шунингдек, назарий ва амалий машғулотлар, тренинглар, мустақил таълим турлари бўйича билим, кўникма

ва малакаларни ривожлантириш, шунингдек уларни ўзларининг педагогик фаолиятларида интерфаол услублардан самарали қўллай олишларини таъминлаш ҳозирги куннинг асосий масалалардан биридир.

Педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган машғулотларида фойдаланиладиган услубларни ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзи ўқитаётган фани ёки предметининг мазмуни, мақсади, шу билан бирга, шароити, тингловчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириши ёки ўқиш жараёнида ўрганган технологиялар асосида ўзининг янги муаллифлик технологияларини яратиши ва улардан фойдаланиши мумкин.

Таълимнинг бугунги вазифаси: ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир.

Замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни дарс жараёнларида қўллай олиш педагогика ва психология фанларига оид билимларини янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув-тарбия жараёнига қўллай олишларига эришиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб бериш, педагогик ва ахборот технологияларни амалиётга жорий этишда педагог-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва маҳоратини оширишга амалий ёрдам кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, кўплаб асосий методик инновациялар таълимнинг интерфаол методларини қўллаш билан боғлиқ. Интерфаол ва интерактив сўзлари бир хил маънода бўлиб, интерактив сўзи инглизча «inter» - «биргаликдаги» ва «act» - «ҳаракатланиш» сўзларидан олинган. Интерактивлик биргаликда ҳаракатланиш ёки суҳбат, диалог режимида нимадир (масалан, компьютер) ёки кимдир (ўқитувчи) билан бўлиш демакдир. Бундан келиб чиқадики, интерактив таълим – аввало диалогли таълим бўлиб унинг давомида ўқитувчи ва ўқувчи, ўқувчи ва компьютер ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади. [2]

Интерфаол усуллар ёрдамида дарсни ташкил этиш натижасида талабалар томонидан дарсни ўзлаштириш юқори бўлиши ўтказилган тадқиқотларда ўз исботини топган.

**Психологлогик илмий тадқиқотларда исботланган маълумотлар:**

Ахборот узатиш усули	Қайта тиклаш қобилияти	
	3 соатдан кейин	3 кундан кейин
Оғзаки	25 %	10-20 %
Визуал	72 %	10 %
Визуал + оғзаки	80 %	65 %
Фаоллаштириш	90 %	70 %

Иқтисодиёт фанларини ўқитишда хусусан, семинар ва амалий машғулотларда талабалар билимини баҳолаш, фаоллаштириш учун “Синквейн”, Т-СХЕМА, “SWOT-таҳлил”, “Ассесмент” методи, “Кейс” усулларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Масалан: “Иқтисодиёт назарияси” фанидан “Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаси” мавзусидаги семинар машғулотида “Синквейн” техникасидан фойдалансак қисқа вақт ичида гуруҳ талабалари билимини баҳолаш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

“Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”: мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар захирасини баҳолаш воситаси, ижодий ифодалилик воситаси сифатида жуда фойдалидир. “Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

**“Синквейн” (5 қатор) техникаси.**

Мақсад – категорияга характеристика бериш.

Синквейн схемаси:

1– қатор – тушунча

2- қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат

- 3- қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл  
 4- қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз,  
 сўз бирикмаси  
 5- қатор – ушбу тушунча синоними.

**Мавзу: “Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаси”**

**“Синквейн” техникаси**

Капитал  
Керакли ёқимли  
Кувватлантиради, жамгаради, бойитади  
Товарлар ҳамда пул маблағларидир  
Неъмат

**“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**S – (strength)** – кучли томонлари

**W – (weakness)** – заиф, кучсиз томонлари

**O – (opportunitu)** – имкониятлари

**T – (tnreat)** – тўсиқлар

**Намуна:** Тадбиркорлик фаолиятининг кучли ва кучсиз томонлари, ички имкониятлари ҳамда тўсқинлик қилувчи ташқи хавфларни ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b> –кучли томонлари	<b>W</b> – заиф, кучсиз томонлари
Қонун билан ҳимояланган.	Маблағларини таваккалчиликка асосланиб сарфлайди, шунинг учун инқирозга учраши эҳтимоли юқори.
<b>O</b> –имкониятлари	<b>T</b> – тўсиқлар
Эркин фаолият юрита олиши, фаолият турига тегишли имтиёзларга эга бўлиши, хорижга чиқиш имкониятлари кенгайиши...	Кучли рақобатчилик, солиқ ставкаларининг ўзгариши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик

## “Ассесмент” методи.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”дан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин. [3]

**Намуна:** «Рақобат ва унинг хусусиятлари» мавзусида ассесмент намунаси.

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p>Номукамал рақобат назариясининг ижодкори ким? А) Генри Форд Б) Жоан Робинсон В) Самуэл Гомперс Г) Адам Смит</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ВАЗИЯТ</b></p> <p>“Баҳор” ва “Шаббода” кафе қўшни. “Баҳор” кафе менюдаги таомларнинг турини кўпайтириб нархларни пасайтирди. “Шаббода” кафе нархларни пасайтира олмайди, таннархга тўғри келмайди. Савол: “Шаббода” кафе қандай йўл тутиши керак?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Бозорга киришда қўйиладиган тўсиқларга кўра рақобат бозорлари қандай турланади?</p>	<p style="text-align: center;"><b>МОСИНИ ТОПИҢГ</b></p> <p>1) Нисбатан арзонроқ нархда сотиш 2) Бозорда фақат битта сотувчи бор 3) Пулнинг қадрсизланиши 4) Кўплаб харидор ва сотувчилар А) Монополия Б) Демпинг В) Мукамал рақобат Г) Инфляция</p>

Интерфаоллик таълим доирасида принципиал янги ходисадир, шу туфайли таълим олувчи:

- таълим жараёнининг ҳамма субъектлари билан, фақатгина ўқитувчи билан шахсий муносабат йўлидагина эмас, балки бошқа талабалар, маъмурият билан ҳам ўзаро фаол ҳаракатда бўлиши мумкин;
- мультимедиа объектларини таҳлил қилиш жараёнида уларнинг мазмунини, шаклини, ўлчам ва ранглари динамика равишда бошқаришни, турли тарафдан уларни кузатишни, бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни қайта таъминлашни, кўпроқ аниқ кўрсатувга эришиш учун ҳоҳлаган жойидан тўхтатиб ва давом эттира олиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, интерфаоллик фақатгина ахборотларни пассив қабул қилиш учунгина эмас, балки ўрганилаётган объектлар ёки жараёнларда ва виртуал моделларнинг ўзаро ҳаракатларида мультимедиа моделлари хусусиятларини фаол тадқиқот қилиш учун ҳам имконият яратиб беради. Интерфаоллик даражаси қанчалик юқори бўлса, таълим жараёни ҳам шунчалик самарали бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008. 176 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни.Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон.[1]
3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат йиғилишининг 2013 йил 9 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ҳамда инновацион таълим технологияларини жорий этилишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 8/4 сонли қарори.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б. [2,3]
6. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) қутубхонаси

7. [www.uforum.uz](http://www.uforum.uz) форуми
8. [www.uz.wikipedia.org](http://www.uz.wikipedia.org)